



ВАЗОРАТИ МАРИФ ВА ИЛМИ ЧУМХУРИИ ТОЧИКИСТОН  
ДОНИШКАДАИ ОМЎЗГОРИИ ТОЧИКИСТОН ДАР ШАҲРИ ПАНҶАКЕНТ  
МИНИСТЕРСТВО ОБРАЗОВАНИЯ И НАУКИ РЕСПУБЛИКИ ТАДЖИКИСТАН  
ТАДЖИКСКИЙ ПЕДАГОГИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ В Г. ПЕНДЖИКЕНТ



# ПАЁМИ ДОНИШКАДА ВЕСТНИК ИНСТИТУТА HERALD OF INSTITUTE

НАШРИ МАҲСУС / СПЕЦИАЛЬНЫЙ ВЫПУСК / SPECIAL EDITION

БО ҲАМКОРӢ БО ТАҲРИРИЯТИ МАҶАЛЛАҲОИ ИЛМӢ-  
ПАЖӮҲИШИИ “АНВОРИ ИЛМ” ВА “ТАФАККУРИ ТАҶРИХ”

СОВМЕСТНО С РЕДАКЦИЕЙ НАУЧНО-  
ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИХ ЖУРНАЛОВ «АНВОРИ ИЛМ» И  
«ТАФАККУРИ ТАҶРИХ»

IN COLLABORATION WITH THE EDITORIAL STAFF OF THE  
RESEARCH JOURNALS "ANVORI ILM" AND "TAFAKKURI  
TARIKH"



**ВАЗОРАТИ МАОРИФ ВА ИЛМИ ҶУМҲУРИИ ТОЧИКИСТОН  
ДОНИШКАДАИ ОМӮЗГОРИИ ТОЧИКИСТОН  
ДАР ШАҲРИ ПАНҶАКЕНТ**

---



**МАВОДИ**

анҷумани илмӣ-амалии байналмилаӣ “Масоили мубрами таъриҳ, фарҳанг, таъриҳнигорӣ ва манбаъшиносии халқҳои Осиёи Миёна”, дар Донишкадаи омӯзгории Тоҷикистон дар шаҳри Панҷакент, ба муносибати 60 солагии доктори фанҳои таъриҳ,  
**профессор Воҳидов Шодмон Ҳусейнович**

\*\*\*

**МАТЕРИАЛЫ**

научно-практической международной конференции “Актуальные проблемы истории, истории культуры, историографии и источниковедения истории народов Средней Азии” в Таджикском педагогическом институте в городе Пенджикент, в честь 60-летия доктора исторических наук, профессора Вохидова Шодмона Хусейновича

\*\*\*

**MATERIALS**

scientific-practical international conference "Actual problems of history, cultural history, historiography and source study of the history of the peoples of Central Asia" at the Tajik Pedagogical Institute in the city of Penjikent, in honor of the 60th anniversary of Doctor of Historical Sciences, Professor Vohidov Shodmon Khuseinovich

**Панҷакент - 2021**

**МАВОДИ** анчумани илмй-амалии байналмилалӣ “Масоили мубрами таърих, фарҳанг, таърихнгорӣ ва манбаъшиносии халқҳои Осиёи Миёна”, дар Донишкадаи омӯзгории Тоҷикистон дар шаҳри Панҷакент, ба муносабати 60 солагии доктори фанҳои таърих, профессор Воҳидов Шодмон Ҳусейнович – Панҷакент, 2021. – 884 с.

### **Ҳайати таҳрирӣ/Редакционная коллегия:**

Анзорӣ М.Қ. – раис, Аҳанов Б.Ф. (Қазоқистон), Петрусеевич А.А., Эркинов А.С., Пулаторов М.Э., (Ўзбекистон), Воҳидов Ш.Х. (муҳаррири масъул), Шарифова Г.Ҳ. (муовини раис ва котиби масъул), Абдуллоев Ш. У., Мақсадов З.О., Анзорӣ М.М., Комилов А., Исройлов С., Худойназаров М., Сироҷзода Ф., Салихов Н., Турсунов Н., Гаффоров Ш. С. Ҳолиқова Р.Э. Эшов Б. (Ўзбекистон)

### **Муқарризон:**

Қурбонов Ш., номзади улуми таърих, профессор (Тоҷикистон)  
Турсунов С. доктори улуми таърих, профессор (Ўзбекистон)  
Ҳолиқова Р., доктори улуми таърих, профессор (Ўзбекистон)

Баъзе фикр ва хулосаҳои дар маҷмӯа омада бо нуқтаи назари таҳририят созгор наомаданаш мумкин аст. Барои дурустии иқтибос, ҳавола ва пайнавиштҳо дараҷаи илмӣ, услуб ва баёни мақолаҳо муаллифҳо масъуланд.

Мнение редколлегии не всегда совпадает с мнением авторов. За достоверность цитат и ссылок, научный уровень, стилистику статей ответственны авторы.

The opinion of the editorial board does not always coincide with the opinion of the authors. Authors are responsible for the reliability of citations and references, the scientific level, and the style of articles.

Дар асоси қарори Шӯрои олимони Донишкадаи омӯзгории Тоҷикистон дар шаҳри Панҷакент ба нашр тавсия дода шуд (суратҷаласаи № 10 аз 28 декабри соли 2021).

еканligini ta'kidladi. Dastlabki o'n jildni Kaufman shaxsiy kutubxonasi sifatida saqlab qoldi. 1876-yilda bu qismlar ham Turkiston Xalq kutubxonasi ko'chirilgan [5].

General fon Kaufman davrida "Turkiston to'plami"ning jami 250 jildlik qismi nashr etildi. 1882-1889-yillarda gubernatorlar Chernyaev va Rozenbaxlar davrida yana 166 jild tuzildi. Shunday qilib, jildlarning umumiy soni 416 ta bo'lib, o'z ichiga rus, fransuz, nemis, ingлиз, italyan, ispan va lotin tillarida ham ma'lumotlarni o'z ichiga oladi. O'z davrida to'plamni tuzishning umumiy qiymati 23 169 so'mni tashkil etdi. [4].

Xulosa sifatida aytish mumkinki, "Turkiston to'plami" Osiyo tarixi haqidagi, ayniqsa, O'rta Osiyo tarixi, etnografiyasi, iqtisodi, botanikasi, arxeologiyasi, geologiyasi, xalqlarning turmushi va madaniyatiga oid noyob bibliografik asardir.

### **Foydalanilgan adabiyotlar ro'yuxati**

1. Туркестанский сборник. — Т. 417-591: Систематический указатель составлен О.В. Масловой. —Ташкент, 1940. Ч. 1. 1-2411. Предисловие.
2. ЗдобновИ.В. История русской библиографии до начала XX века. —М., 1955. —С. 585.
3. Касымова А.Г. Библиотечное дело в Узбекистане. —Ташкент, 1968. —С. 18.
4. Касымова А.Г. Развитие сети массовых библиотек Узбекистана (1918—1941): Дис. канд.пед.наук. —Ташкент,1964. —С. 30.
5. Межов В. И. Туркестанский сборник /Голос. —1878. № 56 //Туркестанский сборник. —Т., 195. —С. 110.
6. Логофет Д.М. “Туркестанский сборник” и его значение / Туркестанские ведомости. —1908. —№ 271 //Туркестанский сборник. —Т. 495. —С. 181.
7. Тўраева Г.Б. XIX аср охири - XX аср бошларида Ўрта Осиё халқлари этнографияси тарихшунослиги – рус шарқшунослиги мисолида. //Хоразм Маъмун Академияси 2021 №1.-Б-132-135
8. Тўраева Г.Б., Ӯтаева Ф.Х., Жумаева Н.А. О.А Сухарева тадқиқотларида Бухоро тарихи ва этнографиясининг ўрганилиши Scientific progress 1 (6), 1010-1018.

\*\*\*

### **Г. МЕЙЕНДОРФНИНГ “ОРЕНБУРГДАН БУХОРОГА САЁҲАТ” АСАРИ - БУХОРО АМИРЛИГИ ТАРИХИГА ДОИР ҚИММАТЛИ МАНБА**

**Тўраева Гули Баҳриддиновна  
Бухоро давлат университети (Ўзбекистон)**

**АННОТАЦИЯ:** Мақола 1820 йилда Россиядан Бухорога юборилган А. Ф. Негри бошлиқ дипломатик миссия вакилларидан бири Г. Мейендорфнинг «Оренбургдан Бухорога саёҳат» асари таҳдил қилинган. XIX асрнинг биринчи чорагида Россия ва Бухоро амирлиги ўртасидаги дипломатик муносабатлар ҳамда ташқи савдо масалалари фактик материллар асосида очиб берилган. Бухоро аҳолисининг этник таркиби ва ижтимоий турмуши ҳақидаги тарихий маълумотлар тарихшунослик нуқтаи назаридан таҳдил қилинган.

**Калим сўзлар:** Шарқшунослик, илмий-дипломатик миссиялар, Қозон ва Санкт-Петербург, А.Ф.Негри бошлиқ дипломатик миссия, Г. Мейендорфнинг «Оренбургдан Бухорога саёҳат» номли асари, Россия ва Ўрта Осиё муносабатлари, Бухоро шаҳри этнографияси, ўзбеклар, тоҷиклар яхудийлар, татарлар, афғонлар, қалмоқлар, ҳиндлар.

XIX асрнинг биринчи чорагида Бухоро амирлиги ва Россия давлати ўртасидаги дипломатик муносабатлар тарихига доир манбалар сирасига 1820 йилда Россиядан Бухорога юборилган А. Ф. Негри бошлиқ дипломатик миссия вакиллари Г.

Мейендорф<sup>1</sup>, Э. Эверсман<sup>2</sup> ва Будрин<sup>3</sup> асарларини киритиш мумкин . Шунингдек 1824 йилда ҳарбий отряд мудофааси остида Бухорога юборилган савдо карвонининг бошлиғи Е. Кайдалов<sup>4</sup>нинг хотираномаси ва Г. Спасский<sup>5</sup>нинг асари айниқса характерлидир. Бу асарларда XIX асрнинг биринчи чорагида Бухоро ва Россия ӯртасида олиб борилган савдо ва дипломатик алоқаларнинг умумий ҳолати, ӯзаро савдода чиқариладиган ва олиб келинадиган молларнинг тури, ҳажми, нархлари ҳамда дипломатик миссия ва элчиликларнинг юборилиш сабаблари, уларнинг олдига қўйилган асосий вазифалар ва келтирган натижаларини аниқлаб берувчи жуда қимматбаҳо маълумотлар келтирилган.

Г. Мейендорфнинг «Оренбургдан Бухорога саёҳат» номли асари француз тилида турколог Амедий Жоберт таҳрири остида 1826 йили Парижда нашр этилиб, шу йилнинг ӯзидаёқ, немис тилидаги таржимаси Херм ва В. Шейдер таҳрири билан босилиб чиқди.<sup>6</sup>

Китоб уч қисмдан иборат бўлиб, унинг охирида Петербург университетининг профессори И.О. Сенковскийнинг, М. Келернинг ва натуралист X. Пандернинг мақолалари илова шаклида берилган. Шу билан бирга, китобда Бухоро хонлиги ва Бухоро-Оренбург шаҳарлари ӯртасидаги савдо йўлини ӯз ичига олган харита берилган.<sup>7</sup> берилган.<sup>7</sup>

Асарнинг биринчи қисмида муаллиф Оренбург ва Бухоро ӯртасидаги масофани учга бўлиб, Оренбург—Махожар тоғлари, Махожар тоғлари—Сирдарё ва Сирдарёдан Бухорогача бўлган савдо йўлини тасвирлайди. Асада қозоқ ҳалқининг этнографиясига оид маълумотлар ҳам келтирилади, Бухоро амири томонидан 1820 йилда Россиядан юборилган элчиликнинг Бухорода кутиб олиниши ва расмий равишда қабул қилинишдаги маросим устида тўхтаб ўтилади.

Асарнинг иккинчи қисми Марказий Осиё таърифига бағишиланиб, бу қисм оғзаки маълумотлар ва адабиётлар асосида ёзилган. Бу қисмда Хива, Қўқон, Шарқий Туркистон, Ҳисор, Қўлоб, Ромитон, Бадаҳшон, ҳамда Балхдан Кобулгача ва Бухородан Ҳиротгача бўлган йўллар тасвирланади.

Китобнинг энг ажойиб ва қимматли қисми учинчи қисм бўлиб, унда Бухоро хонлигининг географик ӯрни, ижтимоий-иқтисодий ҳаёт ва давлат бошқарув тизими баён қилинади.

Асаднинг бу қисмида Бухоро хонлигининг иқтисодиётига, этнографиясига, тарихига ҳамда ташқи давлатлар, жумладан Россия билан олиб борган савдо ва дипломатик алоқаларига бағишиланган маҳсус қимматли бўлимлари бўлиб, уларда Бухоронинг аҳолиси ва яшаш тарзи, қишлоқ ҳўжалиги, суғориш тизими,

<sup>1</sup>Мейендорф Е.К. Путешествие из Оренбурга в Бухару. - М.: Наука, 1975.

<sup>2</sup> Eversman E. Reise von Orenburg nach Buchara. — Berlin. 1823.

<sup>3</sup> Будрин. Русские в Бухаре в 1820 году (Записка очевидца)//Туркестанский сборник. Т. 239. - СПб., 1880. - С. 32.

<sup>4</sup> Кайдалов Е. Караван-записки во время похода в Бухарию Российского каравана под воинским прикрытием в 1824 и 1825 годах, веденный начальником оного каравана над упечеством Евграфом Кайда ловьгм, 1—3 қисм, 1827—28, 439-бет.

<sup>5</sup> Спасский Г. Новейшее описание Великой Бухары, составленное на основании сведений, большей частью на месте собраных. «Азиатский вестник», 1825.

<sup>6</sup> Мухаммаджонов А., Незматов Т.Н. Бухоро ва Хиванинг Россия билан муносабатлари тарихига доир баъзи манбалар. Тошкент, 1957.-Б.19-21.

<sup>7</sup> Путешествие из Оренбурга в Бухару через степи, простирающиеся на восток от моря Аральского и древнего Яксарта, описанное Егором Мейендорфом, полковником генерального штаба и просмотрено Амадеем Жобером. Париж, 1826 —Б. 508; Яна қаранг: Путешествие из Оренбурга в Бухарию в 1820 г./Изд. бароном Мейендорфом. «Русский инвалид». 1827, № 45, 47, 48.

ҳунармандчилик, ички ва ташқи савдо ҳамда ҳунармандларнинг, айниқса, хотин-қизларнинг аҳволига оид жуда кўп қимматбаҳо маълумотлар келтирилади.

Г. Мейендорфнинг асари, асосан муаллифнинг шахсий мушоҳадаси, кишилардан эшитган ва сўраб билган маълумотлари асосида ёзилиб, китобда келтирилган кўпдан-кўп изоҳлар ва далиллар Г. Мейендорфнинг Ўрта Осиё маҳаллий тарихчилари асарларидан ҳамда Ўрта Осиёга ўзидан аввал келган европалик саёҳатчиларнинг ёзиган қолдирган хотираномаларидан кенг фойдаланганда.

Бухоро ва Россия муносабатлари тарихини баён қилишда муаллиф А. Женкинсон (1558), Ф. Беневени<sup>1</sup> (1721-1725), Т. Бурнашев<sup>2</sup>ларнинг (1794-1795) элчиликлари тӯғрисида ёзилган адабиётлар ҳамда Ўрта Осиё географиясига оид маълумотларни ўз ичига олган, XVII асрнинг 20-йилларида Москвада нашр қилинган «Книга глаголемая Большой Чертеж»<sup>3</sup> номли асаридан ҳам фойдаланган.

Г. Мейендорфнинг «Оренбургдан Бухорога саёҳат» номли китоби ўз даврида чет тилларда нашр этилган, асарнинг Ўрта Осиё халқлари ҳаёти тӯғрисидаги янги, жуда бой ва ишончли манба эканлиги илмий тадқиқотчилар эътиборини тортди.

Г. Мейендорф Бухоро ва Россия муносабатлари тарихига доир жуда қизиқ маълумотларни келтиради. Улар орасида қадимда Шарқий Европадан шарқ мамлакатлари: Ҳиндистон, Хитойга ўтган транзит савдо йўли Бухоро орқали ўтиб, бу савдода Бухоронинг воситачилик ролини кўрсатувчи маълумотлар бор. Муаллиф Бухоронинг Шарқий Европа давлатлари билан бўлган савдо алоқалари эрамизгача бўлган III асрлардан бошланиб, сомонийлар даврига (X аср) келиб айниқса ривожланганлиги ва Чингизхон даврида савдо муносабатлари тўхтаб қолган, Амир Темур томонидан яна қайта тикланганлиги тӯғрисида ёzádi.

Бухоро савдогарлари XVIII асргача Тара, Томск ва Тобольск шаҳарларига бориб, ўз газламаларини Сибир мўйнасига ва темирга айирбош қиласидилар<sup>4</sup>.

Асада ёзилишича, Бухоро савдогарлари Россиянинг Ўрта Осиё билан бўлган чегара районларида, яъни Каспий денгизидан то Петропавловск шаҳари орасида жойлашган ярмаркаларга қатнар, кўпроқ эса, Нижегород ва Троицк ярмаркаларида савдо қиласидар. Бухоро маҳсулотларининг 10 дан 9 қисми Нижегородда сотиларди. Троицкдан асосан, металлардан: темир ва мис сотиб олинар эди. Чунки бу буюмлар у ерда Россиянинг бошқа ярмаркаларига қараганда арzonроқ бўлар эди.<sup>5</sup>

Савдонинг асосини ташкил этган металл ва саноат молларидан ташқари, қимматбаҳо буюмлар, маданий моллар, олтин, кумуш пуллар ва металл буюмлари ҳам олиб борилишини баён қиласидар. Россияндан олтин пул сифатида чиқарилиши ман қилинганига қарамасдан, Бухоро савдогарлари олтин пулни: голланд дукати, экюси, испан пиастри ва рус кумуш сўмликларини олиб чиқардилар.

Асада келтирилган фактик маълумотлар Бухородан Россияга чиқариладиган молларнинг асосини пахта, йигирилган ип, маҳаллий ип-газламалари - бўз, кашмир шол рўмоллари, қуруқ мевалар, қоракўл ва маданий моллар ташкил этишини кўрсатиб берди.

<sup>1</sup> Беневени Ф. элчилигига оид маълумотлар А. Поповнинг «Сношения России с Хивою и Бухарою при Петре Великом (Записки Русского Географического общества, т. IX, 1853, 237—3186)»

<sup>2</sup> Т. Бурнашев. Путешествие от Сибирской линии до города Бухара в 1794 и обратно в 1795 году. «Сибирский вестник», III кисм, 1818. —С. 37-110.

<sup>3</sup> О путешествии Г. Мейендорфа в Бухарию. //«Северний архив», 1825, № 25. —С. 398

<sup>4</sup> Мейендорф Г. О Бухарской торговле. (Из путешествия в Бухарию барона Г. Мейендорфа в 1820 г.) //Мануфактур и торговлию 1832, №6. —С. 83—105; Яна қаранг: Мейендорф Г. Сведения о Бухари. //Министерства внутренних дел. 1835, Ч.18. —С. 405—482.

<sup>5</sup> Ўша асар, 227—228-бетлар.

Масалан, бу рӯйхат бӯйича, 1819 йилда Бухородан Оренбург орқали Россияга 16 минг 813 пуд пахта, 18 минг 928 пуд йигирилган ип, 20 минг 410 тӯп ип-газлама, яъни бӯз (ҳар тӯпида 23 аршин), 151минг 600 тӯп, ҳар тӯпи 24 метрдан рангли газлама ва бошқалар чиқарилган эди.

Г. Мейендорф Россия билан Ўрта Осиё савдо йўлларидағи талон-тарожликлар устида тўхтаб, уларга барҳам берилса, Россия ва Бухоро савдо алоқалари янада юксалиши мумкинлиги ҳақида ёзади.

Бухоро ва Хива муносабатлари кескинлашган вақтларда Бухоро савдогарларининг Россияга Оренбург савдо йўли билан эмас, балки энг узоқ йўл—Петропавловск орқали қатнаганликларини кўрсатиб ўтади.

Г. Мейендорф XIX асрнинг биринчи чорагида Бухоро ва Россия муносабатларида ва савдода қозоқ халқининг воситачилик роли устида ҳам тўхталади. Россия ва Ўрта Осиё муносабатлари иштирокчиларини юқ ташувчи туялар билан таъминлашда, савдо йўлларида карvonбошилик ва кузатувчилик ишларини олиб боришда қозоқ халқининг хизматлари тўғрисида жуда бой ва мукаммал маълумотлар беради.

Г. Мейендорф Россия ва Бухоро амирлиги ўртасидаги элчилик алоқалари ва дипломатик миссиялар фаолиятига доир 1775 йилдан то 1819 йилгача бўлган давр ичida Бухородан Россияга бирин-кетин 11 марта элчилик юборилганлиги ҳақида маълумот беради.

Г. Мейендорфнинг «Оренбургдан Бухорога саёҳат» асарининг учинчи қисмида Бухоро ҳақида тарихий маълумотлар: шаҳар кўчалари, аҳоли этнографияси, саройлар, масжид-мадрасалар, карvonсаройлар, дўкону расталар ҳақида тарихий маълумотлар берилади.

Г. Мейендорф Бухоро ҳақида шундай маълумотлар беради: Бухорода 11та дарвоза мавжуд: И мом, Самарқанд, Мозор, Қарши, Саллохона, Намозгоҳ, Шайх Жалол, Қоракўл, Ширгарон, Талипоч ва Ўғлан. Улар асосан ғиштдан қурилган. Ён томонида миноралар бор ва одатда аскарлар томонидан қўриқланади. Амир Ҳайдар бу дарвозаларни тиклашни буюрди, уларни баландроқ қилиб таъминалади. Бухоро девори Форс шаҳарларини ўраб турган деворларига ўхшайди,- деб маълумот беради муаллиф.

Г. Мейендорф шаҳар этнографияси ҳакида қуйидаги маълумотларни келтиради: “Бухоро атрофида отда айланиб юриб, бу шаҳарнинг майдони таҳминан 14 верст эканлигини аниқладим. Шаҳарда таҳминан 8000 хонадон бўлиб , аҳоли сони 70 000 киши атрофида. Аҳолининг тўртдан уч қисмини тожиклар ташкил этади, улар асосан ҳунармандлардир. Аҳолининг қолган қисми ўзбеклар, яхудийлар, татарлар, афғонлар, қалмоқлар, ҳиндлар, шунингдек, қўшни мамлакатлардан келган савдогарлар, бир қатор зиёратчилар, форс ва рус қуллари ҳамда оз сонли негрлардан иборат”.

Бухородаги яхудийлар 800 хонадонни ташкил этадилар, айтишларича, улар бу ерга 700 йил аввал Бағдоддан кириб келишган. Осиёнинг барча шаҳарларидан Бухорода энг кўп яхудийлар истиқомат қилишади. Машҳадда 300 та, Шаҳрисабзда 30 та, Самарқанд ва Ҳиротда 10 та, Хивада 4 та яхудий оиласи бор , Бадаҳшон, Қўқон ва Қашқар ҳудудларида яхудий аҳоли йўқ.

Муаллиф кам сонли этник бирликлар тўғрисида ҳам маълумот беради. Бухорода 3000 нафар атрофида татарлар ҳам яшайди. Бухорода афғонлар сони 2000 га яқин кишини ташкил этади. 1817 йилдан бошлиб Қобулдан ўз ватанларида рӯй бераётган қийинчиликлардан қочиб келган мұҳожирлар туфайли афғонлар жуда кўпайиб кетди. Бухорода бир неча юз қалмоқ ҳам яшайди. Уларнинг баъзилари шаҳар яқинида ерларга эга, аммо аксарияти ҳарбийлардир. Сўнгги тўрт-беш йил мобайнида Бухорода ҳиндлар сони анча ўси: улар 300 га яқин савдогарлар бўлиб, уларнинг айримлари шу ерда мустаҳкам ўрнашиб олган, бошқалари эса Кобулдан карvonлар

билин чиқиб, келишади. Уларнинг пешонасида ва қўзлари орасида тўқ сариқ ёки қизил нуқта бор: баъзилари вертикал нуқта, бошқалари горизонтал, улар тегишли бўлган мазҳабга боғлиқ. Бу ҳиндлар Мўлтон ва Қобул орқали келишган, баъзилари Шикарпурдан келган ва индиго<sup>1</sup> савдоси билан шуғулланишиади.

Савдогарлар орасида Бухорога келган барча мамлакатлар вакиллари бор. У ерда сиз Россиядан келган савдогарлар (татарлар бундан мустасно), бир нечта Қўқон ва Тошкент аҳолиси, форслар билан учрашишингиз мумкин, аммо на Хитой, на тибетликлар бор<sup>2</sup>.

Бундай турли миллат вакиллари яшайдиган мамлакат аҳолисини ҳисоблаш жуда қийин, уларнинг баъзилари қўчманчилардир; бу ерда ҳеч қандай рўйхатга олиш ўтказилмаган. Бу борада қониқарли бир нарса таклиф қилиш учун, биз Бухорода ўз мулоҳазаларимизни асослашга қодир бўлган маълумотларни тақдим эта оладиган ҳар бир киши билан маслаҳатлашдик дея изоҳлайди сайёҳ Г. Мейендорф. Хонликнинг экинзор майдонини 4800 квадрат мил, ёки 300 квадрат мил деб белгилаш мумкин. Агар Италиянинг энг бой вилоятларидағи каби ҳар бир бекликнинг 5000 аҳолиси бор деб фараз қилсак, Бухорода 1,5 млн. қишлоқ аҳолиси ёки ярим қўчманчилар ва шаҳар аҳолиси яшайди. Бунга тахминан 1 миллион атрофида қўчманчи аҳолинини қўшсак, Бухоро аҳолиси 2 миллиондан ортиқ эканлигини кўрамиз. Бу аҳоли сони [тахминан] қўйидагича тақсимланиши мумкин: фақат 2,478,000.

Ўзбеклар - 1,500,000

Тожиклар - 650,000

Туркманлар - 200,000

Араблар - 50,000

Форслар - 40,000

Калмиклар - 20,000

Қирғизлар ва қорақалпоқлар - 6000

Яхудийлар -- 4,000

Афғонлар - 4,000

Лезгинлар - 2,000

Лўлилар - 2,000

Г. Мейендорф тожиклар ўзбеклар ва яхудийларнинг яшаш тарзи ва антропологик ташки қиёфаси ҳақида ҳам қимматли маълумотлар беради. Муаллиф ўзи келган миссиянинг вазифалари ҳақида асарда ошкора тилга олмайди, лекин рус савдогарлари учун 10 фоизлик савдо божини камайтириш, Бухородаги рус асиirlарини озод қилиш сингари масалалар ҳақида фикр билдириб ўтади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Г. Мейендорфнинг «Оренбургдан Бухорога саёҳат» номли асари XIX асрнинг биринчи чораги давомида Бухоро ва Россия ўртасидаги савдо алоқаларининг умумий ҳолатини аниқлашда жуда катта аҳамиятга эга. Ўрта Осиё савдо йўллари ва Бухоро амирлиги давлатчилик бошкарув тизими, иқтисодий, ижтимоий ҳаёти ва аҳоли этнографияси ҳақида маълумот берувчи бирламчи манба ҳисобланади.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Alimova R.R.O'rta Osiyo xonliklarining qo'shni davlatlar bilan qilgan savdo iqtisodiy munosabatlari. –Toshkent, 2017. –B. 43-50
2. Муҳаммаджонов А., Неъматов Т. Бухоро ва Хиванинг Россия билан муносабатлари тарихига доир баъзи манбалар. -Тошкент, 1957.-Б.19-21.

<sup>1</sup> Мейендорф Е.К. Путешествие из Оренбурга в Бухару. - М.: Наука, 1975.

<sup>2</sup> Мейендорф Е.К. Путешествие из Оренбурга в Бухару. - М.: Наука, 1975.

3. Путешествие из Оренбурга в Бухару через степи, простирающиеся на восток от моря Аральского и древнего Яксарта, описанное Егором Мейендорфом, полковником генерального штаба и просмотрено Амадеем Жобером. -Париж, 1826, - С.508.

4. Мейендорф Е.К. Путешествие из Оренбурга в Бухару. -М.: Наука, 1975.

5. Turaeva Guli Bahriiddinovna, Khodjaeva Fotima Nabixonovna. From the history of traditional performances and national music in Bukhara folk festivals //Academicia: An International Multidisciplinary Research Journal ISSN: 2249-7137 Vol. 10 Issue 5, May 2020 Impact Factor: SJIF 2020 = 7.13

6. Djumayeva, Nilufar Akhmatovna, and Guli Bahriiddinovna Turaeva. "Traditions related to harvesting grain crops in Bukhara region (the end of xix century and the beginning of XX century)." Academy 6 (2020): 39-40.

7. To'rayeva Guli Bahriiddinovna. Rus sayyoohlari va elchilari esdaliklarining tarixiy-manbaviy qiymati (XVIII-XIX asrlarda) /сокровищница науки/вестник института, 2021, № 2. Пенджикент.-543-547 бетлар

\*\*\*

## **UZBEKISTAN - TAJIKISTAN: ON THE WAY TO A NEW STRATEGIC PARTNERSHIP**

**Turdiyev Bexruz Sobirovich**

**A Doctor of Philosophy (PhD) in Philosophical Sciences,**

**Bukhara State University, Bukhara City, Uzbekistan**

**[bekiuz0302@yahoo.com](mailto:bekiuz0302@yahoo.com)**

**<https://orcid.org/0000-0003-3260-3327>**

**Abstract:** This article analyzes the issues of political, trade, economic and other cooperation between Uzbekistan and Tajikistan.

**Keywords:** foreign policy, cooperation, **development**, agreements, citizens, trade, economy, investment, finance, border

Today, due to the active, well-thought-out and open foreign policy pursued under the leadership of the President of the Republic of Uzbekistan Shavkat Mirziyoyev, cooperation between Uzbekistan and Tajikistan is developing. **In particular, constructive and open dialogue between Uzbekistan and Tajikistan is playing an important role in ensuring regional security and sustainable development of the region.** That is why Uzbekistan and Tajikistan are engaged in a wide range of trade, economic and humanitarian spheres, as well as in combating threats to regional stability and security.

In 2017, the trade turnover between the two countries amounted to 240 million. The U.S. dollar is at its highest level in 20 years. Flights have been launched between Tashkent and Dushanbe, and culture days have been held in both countries. In order to develop relations between the legislatures of the two countries, in December 2017, the Interparliamentary Group of the Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan on Cooperation with the Parliament of Tajikistan was established. In addition, in 2017, the principle "Central Asia - the main priority of our foreign policy" was put into practice.

In 2018, strategic documents were signed following the state visits of the President of Uzbekistan to Tajikistan (March 9-10) and the President of Tajikistan to Uzbekistan (August 17-18). In particular, a joint statement on strengthening friendship and good neighborliness and an agreement on separate sections of the Uzbek-Tajik border, as well as other bilateral agreements were reached.

**МАСОИЛИ МУБРАМИ ТАЪРИХ, ТАЪРИХИ МАДАНИЯТ, ТАЪРИХНИГОРӢ ВА МАНБАШИНОСИИ ТАЪРИХИ ХАЛҚХОИ  
ОСИЁИ МИЁНА/ АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ ИСТОРИИ, ИСТОРИИ КУЛЬТУРЫ, ИСТОРИОГРАФИИ И  
ИСТОЧНИКОВЕДЕНИЯ ИСТОРИИ НАРОДОВ СРЕДНЕЙ АЗИИ/ TOPICAL PROBLEMS OF THE HISTORY, CULTURAL  
HISTORY, HISTORIOGRAPHY AND SOURCE STUDIES OF THE HISTORY OF THE PEOPLE OF CENTRAL ASIA**

		Л.Н.ГУМИЛЕВ ЭТНОГЕНЕЗ ВА БИОСФЕРАИ ЗАМИН (ПЕРОМУНИ СИННУ СОЛИ МИЛЛАТ Ё УСУЛИ МУАЙЯНСОЗИИ ИНКИШОФИ ХАЛҚИЯТ ВА ЧАРО АБАДИЯТ НАСИБИ ОНҲО НАХОҲАД ШУД - ДАР ҶАРИЯИ ЗАМОН ВА ТАЪРИХ)	
162.	Темирова Гулирухсор	ТУРКИСТОН МУДАРРИСЛАР ТАРИХИ ЎЛКАСИДА ФАОЛИЯТИ	644
163.	Темирова Мунира Амирқуловна	ЭСКИ СИМОБҚЎЗАЧАЛАРИНИНГ ТИПЛОГИЯСИ	646
164.	Темиров Фарруҳ Умедович	САДРИДДИН ИЛМИЙ-ИЖОДИЙ ФАОЛИЯТИ – ЗАМОНДОШЛАРИ ХОТИРАСИДА	649
165.	Толибжонов Азиз	АБДУКАДЫР ШАКУРИ – ПЕРЕДОВОЙ ПРОСВЕТИТЕЛЬ НАРОДНОГО ОБРАЗОВАНИЯ	653
166.	To'rayev A.I.. Hayotov F.U.	ХОТУН PODSHOH AYOL SIYMOSIDAGI QAHRAMON	657
167.	Тўраев А.И.	ЎҒУЗ ТУРКМАНЛАРНИ ЖОЙЛАШУВИ ВА ЭТНИК ТАРИХИГА БИР НАЗАР	660
168.	To'rayeva Guli Bahriiddinovna	TURKISTON TO'PLAMI - NOYOB BIBLIOGRAFIK ASAR	662
169.	Тўраева Гули Баҳриддиновна	Г. МЕЙЕНДОРФНИНГ “ОРЕНБУРГДАН БУХОРОГА САЁҲАТ” АСАРИ - БУХОРО АМИРЛИГИ ТАРИХИГА ДОИР ҚИММАТЛИ МАНБА	665
170.	Turdiyev Bexruz Sobirovich	UZBEKİSTAN - ТАЛКİSTAN: ON THE WAY TO A NEW STRATEGIC PARTNERSHIP	669
171.	Tursunqulov Sanjar Dilmurod o`g`li	XX-CENTURY 1900-1960 SPANISH LITERATURE	671
172.	Турсунов Назирҷон Очиловиҷ. Исомитдинов Жорабек Бобобековиҷ	ИНЬИКОСИ БАЪЗЕ ВОҚЕҶАҲОИ ИЧТИМОИВУ СИЁСӢ ВА ЭТНИКИИ МИНТАҶАҲОИ МУХТАЛИФИ ТОҶИКИСТОН АЗ ЧОНИБИ ОЛИМОНИ РУС ДАР ИБТИДОИ СОЛҲОИ 90-УМИ АСРИ XX	675
173.	Турсунов Назирҷон Очиловиҷ, Шарипов Муҳаммад Маъруғовиҷ	РИСОЛАИ «ОДОБ-УЛ-ҲАРБ ВА-Ш- ШУҶОАТ» - И ФАХРИДДИН МУБОРАҚШОҲ – САРЧАШМАИ ТАЪРИХӢ РОҶЕҶ БА ИЛМИ ҲАРБ ВА САНҶАТИ ҲАРБИИ ТОҶИКОН	679

**МАСОИЛИ МУБРАМИ ТАЪРИХ, ТАЪРИХИ МАДАНИЯТ, ТАЪРИХНИГОРӢ ВА МАНБАШИНОСИИ ТАЪРИХИ ХАЛҚХОИ  
ОСИЁИ МИЁНА/ АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ ИСТОРИИ, ИСТОРИИ КУЛЬТУРЫ, ИСТОРИОГРАФИИ И  
ИСТОЧНИКОВЕДЕНИЯ ИСТОРИИ НАРОДОВ СРЕДНЕЙ АЗИИ/ TOPICAL PROBLEMS OF THE HISTORY, CULTURAL  
HISTORY, HISTORIOGRAPHY AND SOURCE STUDIES OF THE HISTORY OF THE PEOPLES OF CENTRAL ASIA**

217.	Ачилов Нуриддин Абдураффорович, Жўраев Феруз Рустам ўғли	МИЛЛИЙ- ҚАДРИЯТЛАРНИНГ ЖАРАЁНЛАРИДАГИ АҲАМИЯТИ.	МАҶНАВИЙ ТАЪЛИМ	863
218.	Мундарижа			866

